

# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 30 январь № 4 (284)

Сотувда нархи эркин

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ — ДАВР ТАЛАБИ

**Давлатимизнинг кундан-кун ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўрнини эгаллаётгани турли соҳалардаги ютуқлар билан ўз тасдиғини топмоқда. Жамиятимизнинг барча тармоқларида бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг ёйилиб, кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Давр талаби бўлмиш ҳиссадорлик жамиятлари алоқа тармоғида ҳам тезда шаклланиб, ўз фаолиятларини бошлади.**

лағларнинг бир қисми ва ҳиссадорлик жамиятлари давлат улуши дивидендининг 25 фоиз жамламасидан ҳосил қилинади. Жамғарманинг асосий мақсадларидан бири алоқа соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча дастурларни маблағ билан таъминлаш ва муносиб муносабатлар тайёрлашдаги ҳаражатларни қоплашдир.

Ўқорида келтирилган Фармон ва қарор асосида тузилган «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акционерлик компаниялари ва «Ўзбекистон почта-си» давлат акционерлик компанияси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг асосий таянчига айланди. «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси 13 та ҳиссадорлик жамияти ва 5 та қўшма корхонадан ташкил топган бўлса, «Халқаро телеком» ҳиссадорлик компаниясида 7 та қўшма кор-

хона ва битта ҳиссадорлик жамияти мавжуд. «Ўзбекистон почта-си» давлат акциядорлик компанияси ихтиёрида 17 та жамият мавжуд.

Ҳиссадорлик жамиятлари тузиш жараёнида кўпгина кўрсаткичлар ва корхоналарнинг маълум шарт-шароитлари ҳисобга олинди. Ўзбекистон давлат мулк қўмитаси ёки унинг жойлардаги бўлимлари ҳар бир корхонанинг моддий қийматини аниқлаб, қимматли қоғозлар (акциялар) сонини белгиладилар. Ҳар бир ҳиссадорлик жамияти мулки 3 қисмдан, қўшма корхона мулки эса 2 қисмдан ташкил топди. Ҳиссадорлик жамиятининг мулкни давлат, меҳнат жамоаси ва эркин сотилиш учун мўлжалланган улушлардан ташкил топди. Қўшма корхонанинг мулки эса ишончли (траст) бошқариш ва ҳорижий сармоядорлар улушларидан иборат бўлди. Ҳиссадор-

лик жамиятларида меҳнат жамоаси ўз улушини сотиб олишида кенг қўламда моддий имтиёзлар берилди. Масалан, корхонанинг аввалги йиллардаги олган соф фойда қиймати ва ана шу соф фойда ҳисобига сотиб олинган ускуналар баҳосига тенг чегирма белгиланди, яъни ишчи жамоасининг ўз улуши бўйича тўлайдиган пули ана шу умумий қийматга камайтирилди. Яна бир имтиёз тўловларни бирданига эмас, аста-секин, йил давомида тўлашга рухсат этилишидир. Лекин кўпгина ишлар оддийгина, осон йўл билан бажариш йўқ, албатта. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида бўлмаганлиги, ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилиш ишлари бутунлай янгича иш эканлиги ва баъзи раҳбарларнинг нотўғри тушунчалари аначгина қийинчиликлар туғдирди. Мисол учун, баъзи корхона


раҳбарлари ўз ишчиларига куйидагича маълумот бердилар: аввал сизлар маълум сўм ойлик маош ва қўшимча мукофот пули олардингизлар энди мукофот пули бўлмайди ва унинг ўрнига ҳар чоракда бир марта мукофот пулига тенг акция дивидендини оласизлар. Бундай мисоллар ҳиссадорлик жамиятлари иш фаолияти ҳақидаги фикрларнинг нотўғри шаклланишига олиб келади. Шунинг учун бу каби нотўғри тушунчаларнинг пайдо бўлмаслигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Акциялар қийматини ошириш мақсадида давлат улушлари дивидендларининг 100 фоизини ҳиссадорлик жамиятларини тақомиллаштириш ва ривожлантириш учун ишлатиш белгилаб берилган эди. 1998 йилдан эса ана шу дивидендларнинг 50 фоизи давлат ихтиёрига ўтказиладиган бўлса, қолган 50 фоизи ҳиссадорлик жамиятини ривожлантиришга ажратилади.

Тўғри, ҳозирги пайтда меҳнат жамоаларининг акциялар ҳисобига ёки бошқа эркин сотилган акция эгаларининг оладиган дивидендлари катта суммани ташкил этмаслиги мумкин. Лекин кундалик ҳаётдан шу маълумки, алоқа соҳаси акциялари ҳар доим катта талабли бозорга эга ва уларнинг қиймати мунтазам ошиб боради. Шунга ишончимиз қомилки, келажакда алоқа соҳаси акцияларининг эгалари, жумладан, меҳнат жамоалари ҳам катта моддий фойда кўрадилар.

Давр талабига асосан ташкил этилган ва режалли, маълум мақсадни кўзлаб фаолият кўрсатадиган ҳиссадорлик жамиятларининг келажакги порлок. Ҳиссадорлик жамиятларининг ривожланиши акциядорларнинг молиявий кўрсаткичларини оширса, бу қимматли қоғоз эгалари бўлмиш юртимиз фуқароларининг ҳам молиявий ҳолатини кундан-кунга яхшилайдди.

**Х. СОАТОВ,**  
Агентлик бозор  
ислохотлари ва  
қимматбаҳо қоғозлар  
бўлими бошлиғи,  
техника фанлари  
номзоди



Фарғонадаги 23-АТС муҳандиси Баҳодир ТЕШАБОВЕВ станциядаги замонавий компьютерлар ишини доимо назорат қилиб боради.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

● **Матбуотда «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилаётган тадбирлар давлат дастури тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

● Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Ж. Клинтон жаноби олийларидан мактуб келди. Унда давлатимиз раҳбари таваллудининг олтинчи йиллиги муносабати билан самимий тилаклар ва эзгу истаклар ифтор эитилган.

● Тошкентда «Оила, экология ва саломатлик» мавзусида халқаро конферен-

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Янсеуликлар - Воқеалар - Хабарлар

ция бўлди. Уни «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этди. Учрашувда республиканинг бир қанча вазирлик ва идоралари жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари ва бошқа ташкилотлардан вакиллари иштирок этди.

● Қирғизистонда туғилган ўзбек йигити Солижон Шарипов 7 нафардан иборат АҚШ - Россия экипажи билан «Индевор» космик кемасида фазога пар-

воз қилди. Уни АҚШнинг Флорида штати, Каннаверал бўғиздаги космодромдан парвозга кузатишда тошкентлик академик Шавкат Воҳидов ҳам ҳозир бўлди.

● Россия Президенти Борис Ельцин билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида норасмий учрашув 30-31 январь кунлари бўлиб ўтади.

● Боннда Президент Ислом Каримовнинг Германиянинг Дюсселдорфдаги наشريёти томонидан chop этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-

сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Ҳадемай 34 ёшли муҳандис Педро Дуке фазога учувчи илк испан фуқароси бўлади. Испания саноат вазир Хосе Пике Кампс журналлар билан бўлган суҳбат чоғида бунга расман эълон қилди. Педро Дуке АҚШнинг «Колумбия» космик кемасида америкалик космонавтлар билан бирга парвоз қилади.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилининг билдиришича, Африка давлатлари СПИД касаллигининг тарқалиши бўйича дунёда олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айниқса, Жанубий Сахара ва Кот-д'Ивуар республикаларидаги аҳвол тавшиланарли даражада. Шифокорларнинг аниқлашича, бугунги кунда ана шу республикалар аҳолисининг қарийб 10-15 фоизи СПИД асоратида.

● Японияда мисли кўрилмаган қаҳратон қиш давом этмоқда. Яқинда мамлакатнинг Хоккайдо оролида рекорд даражада қаст — 25 даража сувуқ қайд қилинди.



**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тасарруфида корхоналар кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам номланиши, таркиби, фаолияти, мулкдорлик шаклидан қатъий назар асосий вазифаси аҳолига алоқа хизмати кўрсатишдир. Фаргона телеграф-телефон станцияси қошидаги «Импульс» санаторий-профилакторийси ҳозирча алоқачилар даволанадиган ягона шифо масканидир.**



Мухбиримиз мазкур муассаса бош шифокори Ш. Р. АХМЕДОВА билан профилакторийда олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

— **Шаҳзода Раҳмоновна, аввало санаторий-профилакторийнинг ташкил этилиши тарихини қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Мазкур бино турт қаватли ётоқхона маконидидаги бино бўлиб, вилоят алоқачиларининг ўқув-машгулот ўтказишлари ҳамда вилоят маркази туманлардан келган алоқачилар ва бошқа шахарлардан келган меҳмонлар учун мулкжалланган эди. Бинодан янада самаралироқ фойдаланиш, ви-

лоят алоқачиларининг дам олишлари ва даволанишлари кўнгилли ташкил этиш мақ-

дарсенваль, электрофорез, УВЧ, Бернара тоқлари, кварц, нур билан даволаш, парафин, укалш, ванна, айланма душ каби даволаш воситалари бор. Узимизда шифобахш сув йўқ, шунинг учун ҳам уни сув ташийдиган машинада «Фаргона» санаториясидан олиб келамиз. Беморларнинг истакларига қараб яна шунимча дори-дармонлар қилинади. Узимизда тиш духтир-

тушади ва турли доривор усимликлардан тайёрланган қайнатмалар сотилади. Биз ҳам шундай қайнатмаларни тайёрлаймиз ва беморларимизга тавсия этамиз. Дорихоналарда пуллик, бизда эса ҳамма нарса текин.

— **Профилакторийда тадбирлар ҳам ўтказилиб туриладими?**

— Профилакторий ҳам бир муассаса. Юртимизда

## АЛОҚАЧИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

садида 1993 йили профилакторий ташкил этилди. Ётоқхонанинг 1-2 қавати профилакторий учун ажратилди ва шифохонага мослаб, қайта таъмирланди.

Бу ерда даволанаётганларни йўқлаб келадиганлар учун ҳам яхши шароит яратилди. Кичкина боғимиз ва профилакторий ҳовлилари ободонлаштирилди. Шу тариқа 50 уринли санаторий-профилакторий бунёд этилди.

— **Профилакторийда даволаниш қандай усуллари ва турлари мавжуд?**

— Аввало шунга айтиш керакки, бизга йўлланма билан келадилар. Йўлланма эса шахар телеграф-телефон станцияси ихтиёрида, шунинг учун ҳам даволанувчиларнинг асосий қисми шахар ва вилоят алоқа корхоналарининг ходимларидирлар. Йўлланма муддати 24 кун. Оғир беморларни даволаш кўзда тутилмагани боис касаллик варақаси берилмайди.

Бизда ҳам физиотерапия шифохоналарида буладиган

лари, терапевт, невропатолог бор. Узим травматология ва жарроҳлик бўйича мутахассисман. Вилоят шифохонаси билан шартномамиз бор. Зарурат туғилганда керакли шифокорларни чақирамиз. Мақсадимиз — захматкаш алоқачилар яхши дам олиб, тезроқ соғайиб кетишса деймиш.

— **Айрим самарали дори-дармонлар камёб бўлиб қолди, нархи ҳам баланд. Ушбу муаммо қандай ҳал қилиняпти?**

— Вилоят қасаба уюшмаси кўмитаси ёнимиздаги «Фармакон» дорихонаси билан шартнома тузган. Зарур дори-дармонларни шу ердан оламиз. Шоҳимардоннинг Ердон қишлоғида алоқачиларнинг фарзандларига мулкжалланган «Алоқачи» оромгоҳи бор. Э-да шу оромгоҳ атрофидаги шифобахш усимликлар ва мевалардан йигиб келамиз. Ана шу шифобахш неъматлардан беморларга қайнатмалар тайёрлаб берамиз. Баъзи дорихоналарга кирсангиз, «Фитобар» деган ёзувга қизингиз

кенг нишонланадиган Навруз, Муस्ताқиллик кунларида биз ҳам байрам қиламиз. Шу уринда вилоят ва шахар электралоқа корхонаси раҳбариятининг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган ва аънабана айланиб қолган бир тадбирни эслаш жоиз. Ҳар йили уруш ва меҳнат фахрийлари апрель ойидан йўлланма олиб, профилакторийга йиғиладилар ва даволанадилар. Ғалаба байрами арафасида алоқа корхоналари раҳбарлари келиб, уларни табриклашади. Корхоналар уларга пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширадилар. Шундан кейин фахрийлар автобусларда уйларига элтиб қўйилади. Алоқа соҳасида узоқ йил ишлаган нурунийларнинг қувончларини, кўзларидидаги миннатдорчилик ёшларини бир тасаввур қилинг... Ана шундай лаҳзалар учун яшаб, елиб-югуриб меҳнат қилсанг арзийди.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**  
суҳбатлашди

## ТАЛАБЧАН МУРАББИЙ

Тошкент электротехника Алоқа институти ректорлигига илмий-тадқиқот ишлар бўлими раҳиббосари, техника фанлари доктори, профессор **Мажидулла Нигматович ОРИПОВ** 60 ёшга тўлди.



Ўрта Осиёдаги ягона Тошкент электротехника Алоқа институти 1960 йили имтиёзи диплом билан тугатган Мажидулла Орипов Москва электротехника Алоқа институти аспирантурасига ўқишга юборилди. Орадан 4 йил ўтгач, Мажидулла номзодлик илмий ишени муваффақият билан ёқлаб, институтга қайтди.

«Узлуки ахборотларни узатиш ва телеграфия» кафедрасида аввал ассистент, сўнгра доцент бўлиб ишлади. 1968 йилдан бошлаб у шу кафедрани мудирлик қилди. Мана ўттиз йилдирки, М. Орипов институт ўқув жараёнини ташкил этиш ва тақомиллаштириш, фанлар мазмунини бойитиш, тажрибахоналарни ҳозирги замон усунуалари билан жиҳозлаш, ўқитиш ва ходимлар малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш ва тайёрлаш бўйича самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Мажидулла Нигматович ўз фаолиятида илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор бериб келди. Олимнинг илмий изланишлари алоқа техникаси назариясига оид бўлиб, ахборотларни каналлар орқали юқори аниқликда узатиш усулларини ишлаб чиқиш, алоқа тармоқларининг техник ҳолатларини баҳолаш ва метёрлаш, алоқа техникасини юқори сифат билан ишлата билиш усулларини яратишга бағишланди. Кенг кўламли тадқиқотлар ўз самарасини берди. Олти монография, 110 дан ортиқ илмий ва 12 та ўқув-усулвий ишлар эълон қилинди. Унинг раҳбарлигида беш киши номзодлик ишени ниҳоясига етказди.

Мажидулла Орипов, «Узлуки ахборотларни узатиш», «Узлуки ахборот тармоқлари ва узатиш тизимлари» фанлари бўйича марказий нашриётлар томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув-қўлланмаларининг ҳам муаллифидир. Шу тариқа у нафақат республикада, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўзи танлаган соҳа бўйича етакчи мутахассислардан бири бўлиб танилди.

М. Н. Орипов 1985 йили докторлик диссертациясини ёқлади. 1988 йили унга профессор унвони берилди. У алоқа соҳаси бўйича бу марраларга эришган биринчи ўзбек мутахассисидир. Мажидулла Нигматович ўзининг илмий ва педагогик фаолиятини ташкилотчилик ва жомаот ишлари билан қўшиб олиб боради. 1966-1969 йиллар давомида институтнинг кечки ва сиртки ўқув бўйича проректори бўлиб ишлади. 1988 йилдан бошлаб эса, илмий тадқиқот ишлари бўйича проректор вазифасида институтимизда илмий ишларни режалаштириш, уларни ривожлантириш, иштироқчи ишларни илмий изланишларга, жумладан, аспирантурага жалб этиш, уларнинг юқори малакали мутахассис бўлишларига қўмақлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ечишга бошчилик қилиб келмоқда.

Мажидулла Нигматович оқил оила бошлиги, қобил ва билимдон фарзандларнинг отаси ҳамдир. Дўстлари ва яқинлари уни санъат илосманди, миллий ҷулғусабобларнинг яхшигина ижрочиси, шахмат устаси сифатида ҳам билишади.

Моҳир мураббий, серқирра олим ва инсон Мажидулла Нигматович Ориповни муборак 60 ёшлари билан самимий табриклар эканмиз, у кишига сийҳат-саломатлик, илмий-педагогик ва ташкилотчилик ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Тошкент электротехника Алоқа институти жомаоиси**

## ДЎСТ ХОТИРАСИ



Кекса алоқачи Рауф Халитович ЯНГУРАЗОВ ҳаётдан кўз юмди. У бутун ақлий меҳнат фаолиятини ўзи танлаган касб — алоқачиликка бағишлади. Аҳоли ва халқ хўжалигига алоқа хизмати кўрсатишни яхшилаш, алоқа корхоналари равнақи йўлида самарали меҳнат қилди.

Рауф Халитович Янгуразов 1920 йили Қозоғистонда туғилди. Оиласи билан Тошкентга кўчиб келди. У бу ерда 1939 йили Тошкент алоқа политехникумини (ҳозирги Алоқа коллежи) битириб, Марказий телеграфга техник бўлиб ишга кирди. Орадан бир неча йил ўтгач, мазкур телеграфнинг бош муҳандиси бўлди. 1956 йили Москва электротехника Алоқа институтини тугаллаб, собиқ Алоқа вазирлиги маъмуриятининг электралоқа бўлиминин бошқарди. Сўнгра ўн йил мобайнида «Ўзбекалоқақури-

лиш» трестига раҳбарлик қилди. Йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи вазифасида тер тўкди. Қайси вазифада бўлмасин, Р. Янгуразов ташаббускорлик билан ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишда жонбозлик кўрсатди. Унинг ташкилотчилик ҳамда раҳбарлик қобилияти республика кишлоқ ва шахарларарида янги алоқа иншоотлари қуриш, кабель тармоқлари, радиорелели алоқа линияларини ривожлантиришда қўл келди. У кўплаб орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи» ҳамда «Алоқа устаси» фахрий унвонлари берилган эди.

Рауф Халитович одамлар билан дўстлашишга интилар, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб, зарур пайтда ўзининг беғараз ёрдамини аямас эди. У нафақага чиққан пайтда ҳам алоқа корхоналари билан алоқани узмади, соҳада бўлаётган ҳар бир ўзгариш-янгиллик билан қизиқар, зарур маслаҳатлар берад эди.

Рауф Халитович Янгуразовнинг ёрқин хотираси уни билган ва бирга ишлаган ҳамкасблари, дўстлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

**БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ**

**Ўтган 1997 йил сизнинг жомаонгизда қандай кечди? Ишингиздан қониқмаган жойларингиз борми? Ана шу саволлар билан наманганлик жомаотчи мухбиримиз Чортоқ туман электралоқа боғламасига қарашли Коросхон қишлоғидаги АТС муҳандиси Хусанбой ҲАМДАМОВга мурожаат қилди.**

— Ўн етти минг аҳоли яшайдиган кишлоққа мақбул даражада алоқа хизмати кўрсатишинг ўзи бўлмади. Фикримча, бор-

ли кишлоқдаги АТС қуввати ўта чекланган бўлиб, мавжуд телефон нуқталари 100га ҳам етмас эди. Йилдан-йилга талаб ва эҳ-

## ИШИНГДАН ОДАМЛАР ҚОНИҚСИН

йўғи тўрт кишилик кичик жомаоимиз ана шу масъуляти ишинг урдасидан чиқяпти.

Янги иш бошлаган кезларим, аниқроғи 1974 йи-

тиёб ортиб, телефон ҳамда радио тармоқлари кенгайиб боряпти. Ҳозирда 800 тадан кўпроқ координат телефон нуқталари ишлаб турибди. Қарийб 1500 хондонга радио нуқталар ўрнатилган. Шунингдек, ўтган йили шахарлараро линияга туташтирилган кабелли телефон нуқталари сони 100 гага етказилди.

Хизматимиздан миҳозларнинг нолиган жойлари йўқ. Муродилла Низомов, Абдуғани Бойдадаев сингари техник ходимларимизнинг хизматлари кўпчиликка маъқул бўлаётир.

Устозим Кўпайсин ака Юсуповдан кўп нарсаларни ўрганганман. Ўз шогирдларимга, ҳамкасбларимга тез-тез қуйидаги гапларни такрорлаб тураман: «Умирбўйи мақсад, орзу билан яша. Қилган ишингдан одамлар қониқсин».

**А. ТҮЙЧИБОВЕВ**  
ёзиб олди,  
Наманган вилояти

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси жомаоиси компанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари К. Т. Тўлбаевга отаси

**АЛИБЕК отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси жомаоиси компанияси етакчи мутахассиси М. Ш. Сажаеванинг отаси

**ШАЙХИЛИСЛОМ отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси жомаоиси компаниясининг 1-даражада кўкүк маслаҳатчиси Р.К. Барноевга отаси

**ҚИЛИЧ отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Бир савдогарнинг ниҳоят-да чиройли ва хушовоз тўтиси бор экан. Савдогар паррандалар тилини билар ва эр-талабдан кечгача тўти билан мароқли суҳбат қураб экан.

Кунлардан бир кун савдогар Хиндистонга сафар қилиш учун шайланибди ва барча қариндош-уруғлари, дўст-биродарларини бир ерга тўллаб, улар билан хайрлашар экан, ҳар бирдан «Мўъжизалар мамлакати Хиндистондан сенга нима совға келтирай?» — дея сўраб чиқибди. Хар ким ўзи ёқтирган нарсасини айтибди. Энг охирида савдогар тўтига мурожаат қилибди:

— Қани айтчи, тўтижон, сен не истайсан? — дебди.

— Менга ҳеч қандай совға керак эмас, — деб жавоб берибди тўти маънос бош чайқаб.

— Хиндистон менинг туғилиб ўсган ерим, ватаним бўлади. Мабодо у ерда менинг қариндош-уруғларимдан қариндасини учратиб қолсангиз, уларга саломини етказингиз, шундай денг: «Сизларнинг биродарингиз ватанидан йироқда. Сиз уни унутиб қўйгансиз, у тақдир тақозоси билан маҳбуслик жафосини тортмоқда. Сиз тўтилар эса озодсиз, бамайхотир боғдан-боққа учиб, шохдан-шоҳга сакраб, яйраб юрибсиз. Ватангадо жиб-қарбандингиз эса ватани деб, сизларни деб кеча-ю кундуз оқ-нола чекмоқда. Маҳбусликдан қутулишингиз биринчи йўлини билсангиз, айтинг, йўқса, ҳижрон ўтида

ёна-ёна адои тамом бўлади» денг.

Савдогар тўтининг илтимосини ҳам ён дафтарига ёзиб қўйибди-да, йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ниҳоят, Хиндистон мамлакатига етиб келибди. Урмонда тўтилар галаси кўринибди. Савдогар отини тўхтатиб, уларга тутқун тўтининг саломини

## ҲИЙЛАКОР ТЎТИ

ни етказибди ва ҳамма гапни оқизмай-томизмай баён қилибди. У гапни тугатган ҳам эканки, дарахтда ўтирган тўтилардан бири «тап» этиб ерга тушибди-да, типирчилаб-типирчилаб жон берибди.

«Хай аттанг, — дебди ўзича савдогар, — нега ҳам тўтининг гапларини уларга етказдим? Бир беғуноҳ парранданинг умрига завол бўлиб ўтирибман. Хойнаҳой ўлган жонивор тўтининг ақин қариндоши бўлса керак. Мен келтирган хабардан юраги ёрилиб ўлди, боёқиш».

Савдогар отига қамчи босиб йўлида давом этибди.

Ораддан бир қанча вақт ўтиб, савдогар ватанига қайтиб келгач, тўти уни саволга тутибди. Савдогар унга шундай деб жавоб берибди:

— Сенга нима десам экан. Қариндош-уруғларингга гапларингни етказганимдан пу-

шаймонман.

— Нера? — сўрабди тўти.

— Бир дарахтда бир гала тўти ўтирган экан. Мен уларнинг олдига бориб, саломингни етказдим. Кейин ҳалғи гапларингни айтишим билан тўтилардан бири «тап» этиб ерга тушди-ю, шу заҳоти жон берди.

Савдогарнинг бу гапини эшитган тўти ўтирган жойида бир типирчилабди-ю, қафас ичида жон берибди. Буни кўриб, савдогар чуқур ғамга ботибди, оқ-фарёд уриб ўзини-ўзи қойиб кетибди:

«Хомқалла, нималар қилиб қўйдима! Одамнинг тили — душмани деганлари тўғри экан. Хай аттанг!»

Савдогар йиғлаб-сиқтаб тўтининг жасадини қафасдан олибди-да уни ҳовлидаги боғ томонга иргитибди. Шу лаҳза тўти ерга тушар-тушмас қанотларини ёйибди-да, парвоз қилибди ва боғдаги баланд бир дарахтга бориб қўнибди.

— Бу нима қилганинг? — таажубланиб сўрабди савдогар.

— Менга бу хийлани ўша сиз кўрган тўти ўргатди. У менга «Етар асирликда яшаганинг, бировларнинг кўнглини овлаш учун ширин-ширин суҳбатларингни бас қил, ўзингни ўлганга солда, қафасни тарк эт» — деган эди.

Шундай дея тўти осмонга кўтарилибди ва ўз ватани Хиндистон сари йўл олибди.

Урду тилидан  
Шароф МИРЗАЕВ  
таржимаси

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Абу Исо ТЕРМИЗИЙ

## ҲАВҒИСЛАР

Баҳз ибн Ҳаким айтишича, унга отаси, бобосидан шундай ривоят қолган: «Е Расулulloху алайҳи васаллам! — дедим. — Кимга эзгулик қилай?» Расулulloх: «Онангга», дедилар. «Яна кимга?» дедим. «Онангга», дедилар. «Яна кимга?» деб эдим: «Онангга», дедилар. «Яна кимга?» деб эдим: «Отангга», дедилар. — ундан кейин барча яқинларга», дедилар.

Абу Ҳурайранинг айтишича, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Уч хил дуо шаксиз мустажобдур: мазлумнинг дуоси, мусофир (тарбиянинг дуоси), отанинг болага қилган дуоси».

Абдулло ибн Амрининг айтишича: Набий (саллоллоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Парвардигорнинг розилиги ота-она розилигидур. Парвардигорнинг тазаби ота-она газабидур».

Абу Саид ал-Худрий ривоят қилишича, Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) бундай деганлар: «Қайсингизнинг учта қизингиз ёки учта синглиннгиз бўлса, уларга яхшилик қилсангиз, жаннатга кирасиз».

Ибн Умар шундай ривоят қилди: «Ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам)дан эшитдимки, эзгуликнинг энг яхшиси ўз отасининг севган одамларига яхшилик қилишдур, дедилар».

Оиша (онамиз)нинг айтишларича, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) бундай деганлар: «Кимгаки Оллох таоло қиз фарзандлар берса, уларни сабр билан тарбиялаб, воғга етказса, улар унга дузахдан парда бўлади».

## ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Абдуназар ака БЕРДИМУРDOV!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан қутлаймиз. Оллох ёшингизга ёш қўшсин. Фарзандларингиз ва набираларингизнинг қувноқ даврасида умргузаронлик қилиб, уларнинг камолини кўриб юринг.

«Қашқадарё телеком» шуъба қорхонасининг Қамаш туман филиали жамоаси

Ҳурматли Файрат ҚОБИЛОВ!

Сизни 29 январь — туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз. Уртамиздаги самимий дўстлик ҳеч қачон йўқолмасин.

Дўстларингиз

## КУЛГИ ДАРФАЛАРИ БИСОТИДАН

### БЎЛАДИГАН БОЛА

Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек, Юсуфжон қизиқ болалик чоғлариданоқ қизиқ-қизиқ гап-сузлари, ҳар хил шумликлари билан ажралаб тураркан. Отаси уни тарбияласа одам бўлади дея Марғилондаги машҳур қизиқчининг олдига етаклаб борибди: «Тақсир, шу болани тарбиялаб беринг, эти сизники, суяги бизники!» дебди таомилга кура. Бу галати гапларни эшитиб турган болакай отасига қараб туриб шундай дермиш:

— Ота, бу амаким қассобиш?

### ЧУЧВАРА

Кунлардан бир кун Юсуфжон қизиқ билан Охунжон қизиқ хотинлари меҳмондорчиликка кетгач, икковлон бир чучвара-хурлик қилмоқчи бўлишибди. Дарров хамир қориб, супра ёзишибди. Бир маҳал хамирни ўқловда обдон юлқа қилишгач, иккови ҳам чучвара тугишни билмаслиги маълум бўлиб қолади.

Охунжон қизиқнинг шумлиги тутиб, бир эски чопонни кутариб келиб, устанинг елкасига ташлайди-да, секин орқасидан кучоқлайди.

— Бўлди-бўлди, Охун, худди чучваранинг ўзи бўлдим, — дейди Юсуфжон қизиқ. — Фақат қўлингни олмай тургин, чучвараларни тугиб олай!

### ҚИЗИҚЧИННИ МОТ ҚИЛДИ

Бир кун Юсуфжон қизиқ чойхонада улфатлари билан ош-хурлик қилиб, гурунглашиб ўтирган эди, кучадан бир деҳқон эшакаравада гузапоя юклаб ўтиб қолади.

— Хой биродар! — дейди Юсуфжон қизиқ ўзича деҳқонга бир ҳазил қилгиси келиб. — Бу гузапоя сотиладимми?

— Сотилади, — дейди деҳқон эшакни тизгинидан тортиб тўхтатаркан.

— Қанчага сотасиз?

— Юз танга!

— Эшаги биланми?

— Йўқ, Эшак — Сиз! — дейди деҳқон ҳозиржавоблик билан.

Улфатлар қийқириб кулиб юборишади. Оддий деҳқондан мот булган Юсуфжон қизиқнинг ўзи ҳам қотиб-қотиб кулади.

## ● Бу — қизиқ

Хитойнинг Ляонинг вилоятида аjoyиб хусусиятга эга бўлган бир харсанг борлиги маълум бўлди. Шу харсанг яқинидаги қишлоқ аҳолисининг ўртача умри 83 ёш бўлиб, бирон марта ҳам оғир касалликка чалинмаган. Бу ердаги хайвонлар ўртасида ҳам бирон марта юқумли касаллик тарқалган эмас.

## САЛОМАТЛИК ТОШИ

Мутахассисларнинг текшириши шунини кўрсатганки, бу харсанг ўзида ўттиз иккита кимёвий элементни — рух, мис, темир, кобальт, кремний ва ҳақозоларни жамлаган экан. Харсанг бўлақлари тушган сувдан истеъмол қилиш кишини заҳарланишдан сақлайди, модда алмашувини яхшилайди, жигар фаолиятини оширади. «Саломатлик тоши» ўсимликларга ҳам яхши таъсир кўрсатаркан.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул қотиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ  
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ  
ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлбазмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0934. 15218 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



ДУШАНБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном». 8.30 Лиринг тароналар. 8.45 П. Қодиров «Бобур». Видеофильм, 8-қисм. 10.05 «Сила». Тележурнал. 10.40 «Кино янгиликлари». 10.45 «Телевизиона». 11.05 «Бу ҳақида». Сарнал. 12.15 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти. 13.10 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 1-қисм. 14.05 — 14.35 «Қизичи билан учрашу». Хोजибой Тожибов. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Олам ва одам». 18.30 «Гаройиб парвоз». Янги йил атрафсидиги саргузаштли видеофильм, 1-қисм. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўйдаги доғлар». 21.40 «Ўзларингиз яширма». Ш. Каюмов.

22.10 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 2-қисм. 22.55 «Она бўла қолгин менга, табии». 23.05 «Ахборот». 23.30 — 23.35 Ватан тимсаллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Еришмош». Мульти-тўплам. 18.35 «100 йиллик саргузаштлар даврасида». Телесериял. 18.55 Мулоҳаза учун мавзу. 19.10 «Эгиз кўшиқлар». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Турizm ҳақида». 20.20 Динаро наволар. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Санта-Барбара». Телесериял. 21.50 «Камолот». Ёшлар учун дастур.

22.10 «Ўнлик» (рус тилида). 22.30 «Олтин мерас». 22.40 «Даракчи» (рус тилида). 22.50 «Ўнликлар ва Эълонлар». 23.00 «Ёш Илдана Дюкс хроникаси». Телесериял. 23.50 — 23.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 18.20—21.35 Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30 Эълонлар. Бадий фильм. 23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулътмоша». 19.00, 21.05 Эълонлар. 19.05 «Оқибат». Телесериял. 19.45 «Уйр баҳорчи». 20.00 Мусиқали танлаффус. 20.05 «Жаҳон». 20.25 «Илҳом». 20.45 «Қўшиқ уйри пойндари». 21.10 Кинематограф. «Қайнона». 22.30 «Ўзгаллик ва мангулик ҳақида».

22.50 «Спорт-тайм». 23.20 — 23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 П. Қодиров «Бобур». Видеофильм, 9-қисм. 10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақлиф».

Уву курсатувлари. 10.30 Табиёт. 11.00 Инглиз тили. 11.30 «Гаройиб парвоз». 12.00 Биржа ва банк хабарлари. 12.15 Болалар учун. «Сехрли оҳанглр». 12.35 «Олам ва одам». 12.55 «Талаб ва спорт».

13.15 — 14.00 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Видеофильм, 2-қисм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Гаройиб парвоз». Янги йил атрафсидиги саргузаштли видеофильм, 2-қисм. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Акция ва акциядор». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Туртинги хонимият». 21.25 «Олам қўшиқка тўлсин».

22.05 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 3-қисм. 22.50 «Тафаккур ва тақдир». 23.10 «Европа таассуроти». 23.25 «Ахборот». 23.50 — 23.55 Ватан тимсаллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Еришмош». Мульти-тўплам. 18.35 «Савийи ҳайвонот олами». 19.00 «Ону». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тарозу». 20.15 «Мусиқий йўл». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Болаларнинг нигоҳи». 21.30 «Спорт китъаси». 21.50 «Даракчи». 22.00 Оҳанглр ва Эълонлар. 22.20 Киносалон. Курт Рассел «Авария» фильмида.

24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

бўлсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00. 18.20—21.35. 21.40 «Хусусийлаштириш: қодам-бақодам».

Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30. 22.30 Эълонлар. 22.35 «Катта талант соҳиб». Бадий фильм (Олмония). 23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мулътмоша». 19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериял. 19.55 «Сен ҳақида ва сен учун». 20.10 Мусиқий доқиклар. 20.15 Солиқ ҳақида сабоқлар. 20.30 «Ўйингоҳ».

20.50 «IV-IV да некис тўлкини». 21.10 «Хит-коллекция». 21.35 «Қувнок кино». 21.50 Телефакт. 23.15 «Дурдоршан». 23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 П. Қодиров «Бобур». Видеофильм, 10-қисм. 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.

Уву курсатувлари. 10.30 Зоология. 11.00 Давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.30 «Аср сўнгид». Бадий-публицистик курсатув. 12.10 «Қишлоқ стадионларида». 12.10 «Ўзбекистоннинг тарихи». 12.30 «Ўзбектелефилми» премьераси. «Ташлар тилга кирганда».

12.40 «Ватан, моддинги куйлайман». Мусиқий дастур. 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 3-қисм. 14.05 — 14.35 «Омад юлдузи». Тележурнал. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Гаройиб парвоз». Янги йил атрафсидиги саргузаштли видеофильм, 3-қисм. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ранглор жилоси». Камалиддин Бехзод.

20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий чорраҳаларида». 21.20 «Орак кенгликларид». И. Вўроню.

22.00 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 4-қисм. 22.45 «Битик». Бадий-публицистик курсатув. 23.55 «Муҳаббат тиласми». Бадий фильм. 00.25 «Ахборот». 00.50 — 00.55 Ватан тимсаллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 Жаҳон халқлари эртақлари. 18.40 «XX аср жиноятлари». Телесериял. 19.10 «Авлод». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Толанлар».

20.15 «Нафис мажлислар». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Жозиб». 21.10 «Хонанд». 21.30 «Санта-Барбара». Телесериял. 22.15 «Даракчи» (рус тилида). 22.25 Оҳанглр ва Эълонлар. 22.35 «Кинонигоҳ». 24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00. 18.20—21.35. 21.35 «Муаффақият». Телефильм. Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30. 22.35 «Хунд» фильми ишқибозларида: «Жаннат, 1-серия». 23.45—00.05 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулътмоша». 19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериял. 19.50 «02» тўлкинида. 20.05 «Рақурс». 20.35 «Қимматли ҳаёт». 20.55 «Интерстеллар». 21.15 Мусиқий Олимп. 21.40 Киносалон. 23.10 «7 дон 70 гаца». 23.35 «Ўрмонда». 00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Ойламини оҳанглр ва эълонлар». Мусиқий дастур. 9.10 «Иқтисодий чорраҳа-ларид». 9.30 «Ўзгаллик оламида». Телефильм.

9.40 «Мохияти англш: Давр ва таълим». 10.05 «Бокрига тўйгулар». Уву курсатувлари. 10.30 Ботаника. 11.00 Янги алфбонни ўрганмак. 11.30 «Умумий биология». 12.00 Болалар учун. «Қизиларли ўрашураш». 12.35 «Битик». Бадий-публицистик курсатув.



12.55 «Оламини оранг». 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 4-қисм. 14.05 — 15.05 «Биз талланган йўл». Видеоканал. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Қўшиқлар». 18.30 «Ахборот». 18.55 «Ажб саодат зур». Бадий-публицистик курсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Озма-юз». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Бевасита мулоқот». 21.45 «Қўшиқ-ла ҳаёт гузали». Мусиқий дастур. 22.25 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 5-қисм. 23.10 «Инсон ва конун». 23.30 «Навийоҳилик». 23.35 «Кифё». 24.00 «Ахборот». 00.25 — 00.30 ватан тимсаллари.

9.00 «Болалар дунёси». 9.15 «Турфа ола». 9.40 «Нафосат». 9.50 «Кенга — кенг дунё». 10.05 Жаҳон халқлари эстрадаси. 10.15 Қалб таронаси. 10.40 Видео — «О». 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур. 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериял. 18.50 «Катта танлаффус». Тележурнал. 19.15 Оҳанглр ва Эълонлар. 19.55 «Бир жуфт қўшиқ». 20.05 «Сир». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мутайиб». 21.30 «Иймон». 22.55 «Даракчи». 22.05 Оҳанглр ва Эълонлар. 22.15 Кино жаҳонидан. 23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00. 18.20—21.35. 21.35 «Музыка ҳамма учун». Мусиқий дастур. Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30. 22.35 «Жаннат». Бадий фильм, 2-серия. 23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулътмоша». 19.00, 21.15 Эълонлар. 19.05 «Оқибат». Телесериял. 19.55 «Умумий таълим вақти». 20.10 Наволарда аён этсам. 20.30 Мардон йигитлар. 20.45 «Араб эстрадаси». 21.20 Кинематограф. «Сабр қасаси». 22.45 Жума кунини ишдан сўнг. 23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Мусика бўстони». Телеальманах. 9.00 «Шоҳрух клуби». 9.20 Болалар учун. «Қувноклар даврасида». 9.40 «Парвоздаги турна». Бадий фильм.

«Ўзлик» студияси намайш эфир. 11.05 «Севгим, севгим». 11.25 «Идрок». 11.45 «Эртақлар — ахшиликка етаклар». 12.25 Футбол мойдонларида. 12.45 «Соболарда аён этсам». Мусиқий дастур. 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 6-қисм. 14.00 «Туркий қавлар». Капатота. 14.15 — 14.45 «Дирк, ширк, ширк». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 «Шарҳлар — болаларга». 18.30 «Муваззат». Ахборот-таҳлилий курсатув. 19.00 «Хайрат». Бадий-публицистик курсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртақлари. 20.05 «Ўзбекистон англликларини» (инглиз тилида). 20.15 «Омонлик тилайми». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 21.25 «Ўрмонда кўриши шарт... эмас». 22.25 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 7-қисм. 23.10 «Жаҳон спорти».

«Ўйин ёлду». Дам олиш дастури. 23.20 «Мусиқий саҳнат». 23.40 «Боржиа узуги». Бадий фильм. I ва 2-сериялар.

Дам олиш дастури. 9.10 «Бор экан-у, йўк экан». 9.20 «XX асрнинг улуг жумбоқлари». Телесериял. 9.50 «Саргузаштлар». 10.20 Саргузашт фильмлар экран. «Геракл саргузаштлари: қодам-бақодам». 11.50 «Хусусийлаштириш: қодам-бақодам». 11.55 «Ривоят». 12.25 «Хит-дам олнинг». 12.35 «Газал соғинчи». 12.55 «Урмиқач тур». Телесериял. 13.40 «Джонни Квест саргузаштлари». Мультифильмлар дастури. 14.00 Курсатувлар дастури. 14.05 Эгиз кўшиқлар. 14.25 «Турас кучга кирганда». Телесериял (Австралия). 15.15 «Спорт китъаси». 15.45 «Ониани». 16.05 «Спорт китъаси». 16.35 «Сансет Бичинг муҳаббати ва сирлари». Телесериял (АҚШ). 17.25 «Мусиқий ўлка». 17.45 «Еришмош». 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Боланинг тили». 18.30 «Сувати дунёсига саҳбат». 18.50 «Глобус». 19.00 «Қонун ҳимоясида». 19.10 «Жаҳон спорти». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Дилбарим». 20.30 «Ахборот». 20.50 «ТВ ва театр». 21.20 «Даллас». Телесериял. 22.10 «Даракчи». 22.25 «Кўнгли кўнглига пайванд». 22.50 «Интер-футбол». 23.10 Мусика ва Эълонлар. 23.25 Киноклассика. «Сўнгги император». 01.00 — 01.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.50 Дастурнинг очилиши. Россия жамоат телевидениеси. 18.55—00.30. 00.35—01.00 «Мўъжизакор гўзаллик сир». Телефильм. 10.00 «Спектаклдан сўнг». 10.20 Эълонлар.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Қўшиқ — маънавий кўзгуси». Мусиқий дастур. 9.00 «Юзма-юз». 9.20 «Муруббий». Спорт дастури. 9.35 «Ахборотнинг мераси». 10.05 Болалар учун. «Қикматлар ҳазинаси».

Уву курсатувлари. 10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Немис тили. 11.30 «Кифё». 11.55 «Рақс алфбоси». 12.15 «Меҳр макони». 12.35 «Бор экан-да, йўк экан». Телефильм. 12.45 «Халқ қадрияти». 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 5-қисм. 14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.35 «Тенис клуби». 18.50 «Ўзбекистон қоҳра-монлари».

19.05 Шарк тароналари. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тафсилот». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий афлбосин». 21.30 Сониат усталарининг концерти. 22.05 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 6-қисм. 22.50 «Сехрли шуъла». 23.10 «Ахборот».

«Муаввир дунё». Дам олиш дастури. 23.35 «Олам». 23.55 «Бахлул дан». Бадий фильм. 01.25 — 01.30 ватан тимсаллари.

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур. 9.15 «Катта танлаффус». 9.40 «Бир жуфт қўшиқ». 9.50 «Сир». 10.10 «Мутайиб». 10.40 «Иймон». 11.30 «Кино жаҳонидан». 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бор экан-да, йўк экан...».

18.25 «Нозик мўъжиза».

18.35 «XX асрнинг улуг жумбоқлари». Телесериял. 19.05 «Хусусийлаштириш: қодам-бақодам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Сазлардан ишорат». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ривоят». 21.15 «Яхши дам олнинг». 21.25 «Санта-Барбара». Телесериял. 22.10 «Газал соғинчи». 22.30 «Даракчи». 22.40 Оҳанглр ва Эълонлар. 22.50 Саргузашт фильмлар экран. «Геракл саргузаштлари». 00.25 — 00.30 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00. 18.20—21.35. 21.35 «Музыка ҳамма учун». Мусиқий дастур. Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30. 22.35 «Жаннат». Бадий фильм, 2-серия. 23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулътмоша». 19.00, 21.15 Эълонлар. 19.05 «Оқибат». Телесериял. 19.55 «Умумий таълим вақти». 20.10 Наволарда аён этсам. 20.30 Мардон йигитлар. 20.45 «Араб эстрадаси». 21.20 Кинематограф. «Сабр қасаси». 22.45 Жума кунини ишдан сўнг. 23.10—23.20 «Хайрли тун!».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Мусика бўстони». Телеальманах. 9.00 «Шоҳрух клуби». 9.20 Болалар учун. «Қувноклар даврасида». 9.40 «Парвоздаги турна». Бадий фильм.

«Ўзлик» студияси намайш эфир. 11.05 «Севгим, севгим». 11.25 «Идрок». 11.45 «Эртақлар — ахшиликка етаклар». 12.25 Футбол мойдонларида. 12.45 «Соболарда аён этсам». Мусиқий дастур. 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 6-қисм. 14.00 «Туркий қавлар». Капатота. 14.15 — 14.45 «Дирк, ширк, ширк». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 «Шарҳлар — болаларга». 18.30 «Муваззат». Ахборот-таҳлилий курсатув. 19.00 «Хайрат». Бадий-публицистик курсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртақлари. 20.05 «Ўзбекистон англликларини» (инглиз тилида). 20.15 «Омонлик тилайми». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 21.25 «Ўрмонда кўриши шарт... эмас».

22.25 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 7-қисм. 23.10 «Жаҳон спорти».

«Ўйин ёлду». Дам олиш дастури. 23.20 «Мусиқий саҳнат». 23.40 «Боржиа узуги». Бадий фильм. I ва 2-сериялар.

Дам олиш дастури. 9.10 «Бор экан-у, йўк экан». 9.20 «XX асрнинг улуг жумбоқлари». Телесериял. 9.50 «Саргузаштлар». 10.20 Саргузашт фильмлар экран. «Геракл саргузаштлари: қодам-бақодам». 11.50 «Хусусийлаштириш: қодам-бақодам». 11.55 «Ривоят». 12.25 «Хит-дам олнинг». 12.35 «Газал соғинчи». 12.55 «Урмиқач тур». Телесериял. 13.40 «Джонни Квест саргузаштлари». Мультифильмлар дастури. 14.00 Курсатувлар дастури. 14.05 Эгиз кўшиқлар. 14.25 «Турас кучга кирганда». Телесериял (Австралия). 15.15 «Спорт китъаси». 15.45 «Ониани». 16.05 «Спорт китъаси». 16.35 «Сансет Бичинг муҳаббати ва сирлари». Телесериял (АҚШ). 17.25 «Мусиқий ўлка». 17.45 «Еришмош». 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Боланинг тили». 18.30 «Сувати дунёсига саҳбат». 18.50 «Глобус». 19.00 «Қонун ҳимоясида». 19.10 «Жаҳон спорти». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Дилбарим». 20.30 «Ахборот». 20.50 «ТВ ва театр». 21.20 «Даллас». Телесериял. 22.10 «Даракчи». 22.25 «Кўнгли кўнглига пайванд». 22.50 «Интер-футбол». 23.10 Мусика ва Эълонлар. 23.25 Киноклассика. «Сўнгги император». 01.00 — 01.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

18.50 Дастурнинг очилиши. Россия жамоат телевидениеси. 18.55—00.30. 00.35—01.00 «Мўъжизакор гўзаллик сир». Телефильм. 10.00 «Спектаклдан сўнг». 10.20 Эълонлар.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Қўшиқ — маънавий кўзгуси». Мусиқий дастур. 9.00 «Юзма-юз». 9.20 «Муруббий». Спорт дастури. 9.35 «Ахборотнинг мераси». 10.05 Болалар учун. «Қикматлар ҳазинаси».

Уву курсатувлари. 10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Немис тили. 11.30 «Кифё». 11.55 «Рақс алфбоси». 12.15 «Меҳр макони». 12.35 «Бор экан-да, йўк экан». Телефильм. 12.45 «Халқ қадрияти». 13.15 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 5-қисм. 14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.35 «Тенис клуби». 18.50 «Ўзбекистон қоҳра-монлари».

19.05 Шарк тароналари. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тафсилот». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий афлбосин». 21.30 Сониат усталарининг концерти. 22.05 «Ўзбектелефилми» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 6-қисм. 22.50 «Сехрли шуъла». 23.10 «Ахборот».

«Муаввир дунё». Дам олиш дастури. 23.35 «Олам». 23.55 «Бахлул дан». Бадий фильм. 01.25 — 01.30 ватан тимсаллари.

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур. 9.15 «Катта танлаффус». 9.40 «Бир жуфт қўшиқ». 9.50 «Сир». 10.10 «Мутайиб». 10.40 «Иймон». 11.30 «Кино жаҳонидан». 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бор экан-да, йўк экан...».

18.25 «Нозик мўъжиза».

18.35 «XX асрнинг улуг жумбоқлари». Телесериял. 19.05 «Хусусийлаштириш: қодам-бақодам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тили